Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 20 январь, № 13 (8075) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 январь куни Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Қулай жамоат транспорти шаҳарнинг энг муҳим шартларидан биридир. Лекин Тошкент шаҳрида бу долзарб муаммога айланиб бораётган эди. Автобусларнинг кўпи эскиргани, марказий шоҳбекатлар ёпилиб, йўналишлар ўзаро самарали боғланмагани оқибатида аҳолига ноқулайлик туғдираётган эди.

Масалан, сўнгги беш йилда пойтахтимиз аҳолиси 300 минг нафарга кўпайган, ҳудуди ҳам кенгайган. Бундан ташқари, ҳар куни бир миллиондан ортиқ одамлар келиб-кетади. Лекин жамоат транспорт тизими пойтахтдаги ўзгаришлардан орқада. 350 та автобуснинг фойдаланиш муддати 10 йилдан ошган, 393 та автобус етишмайди. Тирбандликлар оқибатида автобуслар орасидаги интервал тиғиз пайтда 30 дақиқагача етмоқда.

Оқибатда йўловчилар бу хизматдан норози бўлиб, шахсий транспортдан фойдаланишга ўтиб кетмоқда. Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 79 фоизни, жамоат транспортидан фойдаланиш даражаси эса бор-йўғи 21 фоизни ташкил этмоқда.

Шавкат Мирзиёев ўтган йили 19 октябрда Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, зарур чоралар кўрилишини айтган эди.

Тақдимотда шу борадаги вазифалар муҳокама қилинди.

Аҳолининг жамоат транспортидан фойдаланиш даражасини ҳозиргидан 2 баробар ошириш Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги олдида турган асосий вазифа сифатида белгиланди. Бунда тизимли ёндашув ва одамлар оғирини енгил қилиш мақсади устувор бўлиши, барча транспорт турлари — йўналишли, темир йўл транспорти ва метро линиялари, велосипед ва пиёдалар ҳаракатига мўлжалланган йўлларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш ва комплекс ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳудудлардан Тошкент шаҳрига келишдаги асосий йўлларда 10 та замонавий шоҳбекат, йўловчилар жуда кўп бўладиган 6 та метро бекати ёнида автотураргоҳлар барпо этиш бўйича топшириқ берилди.

Жорий йилда “Қўйлиқ — Қипчоқ” ер усти метроси қурилиши ҳам якунланади. Бунинг натижасида енгил автомобилдан фойдаланаётган 70 минг аҳоли учун жамоат транспортида юришга қулай шароит яратилади.

Бундан ташқари, йўловчилар оқимининг келгуси 5 йиллик прогнозидан келиб чиқиб, жамоат транспорти тизимининг иқтисодий-математик моделини яратиш, Тошкент давлат транспорт университети илмий салоҳиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрида транспортлар сони йилига 15 фоиз ўсиб, кунига 800 минг автомобиль ҳаракатланмоқда. Йўллар пиёда ва велосипедда юриш учун қулай эмас. 500 дан ортиқ катта чорраҳалар бўлиб, аксариятининг ўтказувчанлик даражаси паст. Буларнинг барчаси ҳамда ҳаракатланиш маданияти пастлиги оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш орқали мазкур чорраҳаларда ўтказувчанлик ва қулайликни ошириш кераклигини таъкидлади. Бу йил 200 та чорраҳада ҳаракатни транспорт оқимига қараб бошқариш тизими жорий этилиши, 180 километр пиёда ва велосипед йўлаклари қурилиши, 2 минг автомобилга мўлжалланган тўхташ жойлари ташкил этилиши белгиланди.

Шунингдек, жорий йилда автобус паркининг 35 фоизи янгиланади. Бунинг учун 410 та автобус ва электробус харид қилиниб, катта сиғимли автобуслар сони 2 баробар оширилади. Шунингдек, шаҳарда электромобиллар сони кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, улар учун қувватлаш станцияларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти ва транспорт инфратузилмасини Германия ва Россиянинг мегаполисларни ривожлантириш борасидаги илмий асосланган тажрибаси асосида такомиллаштириш имкониятлари тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, жамоат транспорти корхоналарини молиявий соғломлаштириш, “Тошшаҳартрансхизмат” корхоналарини молиявий аудитдан ўтказиб, трансформация қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари соҳани бюджет ва бошқа манбалардан ташқари давлат-хусусий шериклик асосида ҳам ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Транспорт вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига пойтахтимизда жамоат транспортини ривожлантириш концепциясини қайта кўриб чиқиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш топширилди.

Истиқболда барча вилоят марказларидаги жамоат транспортини уларнинг аҳоли сони, яшаш ва иш жойлари, ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, пойтахт тажрибаси ва илмий ёндашув асосида такомиллаштирилиши таъкидланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 январь куни Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Учрашув аввалида Дмитрий Козак Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Яқинда ўтган олий даражадаги учрашув ва мулоқотларда эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш ва кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришга кучли суръат бағишлагани алоҳида таъкидланди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, саноат кооперацияси бўйича йирик лойиҳалар ва устувор гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва унинг салоҳиятини рўёбга чиқариш муҳим эканини қайд этди.

Марказий Осиёда рўй берган воқеалардан келиб чиқиб, минтақадаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада (кейинги ўринларда — маҳалла) **ёшлар етакчиси лавозими жорий этилсин**.

2. Қуйидагилар маҳалладаги ёшлар етакчисининг (кейинги ўринларда — Етакчи) **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;

маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

3. Етакчилар ўзига бириктирилган маҳаллаларда фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширади:

маданият ва санъатни тарғиб қилиш борасида — “Санъат ғунчалари” кўрик-танлови, мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича “Ёшлар овози”, “Ёш мусаввирлар” танловлари ҳамда “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёт фестивалини ўтказади, шунингдек, ёшлар ва болалар театр жамоаларини ташкил этади;

соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш борасида — минифутбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат, шашка, бадминтон, камондан отиш бўйича мусобақаларни ташкил этади, саломатлик учун 5 000 қадам юриш марафони ҳамда “Ёш эколог” акциясини ўтказади;

ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш борасида — “Бир миллион дастурчи”, “Дастурлашга биринчи қадам” лойиҳаларини амалга оширади, киберспорт чемпионати ва “Ахборот технологиялари билимдони” танловини ўтказади;

маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш борасида — “Заковат” мусобақаси, “Қувноқлар ва зукколар”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Хорижий тиллар билимдони” ва “Ёш полиглот” танловлари ҳамда “Мунозара” интеллектуал ва миллий халқ ўйинларини ташкил этади;

ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида — “Ёш чегарачи”, “Ёш қутқарувчи”, “Қувноқ стартлар”, “Темурбеклар”, “Тўмарис маликалари”, “Шунқорлар”, “Ёш ҳуқуқшунос”, “Ёш сайловчи”, “Ёш депутат” танловлари ҳамда “Мен ҳам аскар бўламан” акциялари ва ҳарбий қисмларга саёҳатларни ташкил этади;

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЯНАДА КЎПРОҚ ЮЗАГА ЧИҚАДИ

Кейинги йилларда юртимизда туризмни изчил ривожлантириш орқали мамлакат тараққиётини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас.

Муносабат

Негаки, бизнинг бири-биридан бетакрор тарихий шаҳарларимиз, мозийнинг турли давридан ҳикоя қилувчи минглаб обидаларимиз мавжуд. Қолаверса, осмонўпар тоғлар ва сўлим масканларимиз ҳам борки, бу Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти жуда юқори, деганидир.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизга янгича суръат беришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик.

Бу ҳужжатда, аввало, туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ва авиаташувчиларга муайян енгилликлар берилаётганлигини айтиш жоиз. Яъни шу йил 1 январдан бошлаб 2023 йилнинг 1 январига қадар туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида беш кеча тунаб қолган тақдирда, 10 АҚШ доллари, қиш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса 25 АҚШ доллари миқдорида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериладиган бўлди.

3

«Халқ сўзи» учун эксклюзив

«КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БАРОБАРИДА, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲАМ ИШЛАШИМИЗ КЕРАК»

2021 йилнинг 7 октябрь куни Сирдарё вилояти аҳолиси билан учрашувда Президентимиз томонидан мутасаддиларга аҳоли бандлигини ошириш, иш ва уй-жой билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилган эди. Бу топшириқлар ижроси қай аҳволда? Вилоятда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар талаб даражасидами?

Мухбиримиз шу ва бошқа саволлар билан Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон МИРЗАЕВга мурожаат қилди.

— Ғофуржон Ганиевич, суҳбатимиз мавзуидан келиб чиққан ҳолда, аввало, айтинг-чи, шахсан сиз қайси жиҳатларни камбағаллик мезонлари, деб биласиз?

— Менимча, бу саволни нафақат вилоят раҳбари, балки шу масалага масъулларнинг барчаси ўзларига бериб, юрагидан ўтказиб, мулоҳаза юритишлари керак ва шарт. Токи, ким камбағалу ким ўртаҳоллигини аниқлашда адолатсизлик бўлмасин. Шахсан ўзим камбағалликнинг биринчи мезони сифатида оиланинг қай даражада уй-жой шароитига эга ё эга эмаслигида, деб биламан. Негаки, ўз бошпанаси бўлмаган оила қанча ҳаракат қилмасин, рўзғорида барака бўлмайди. “Бир эшик бўлса-ю, у ўз-ўзингники бўлса. Майли эди, эшик орти бўм-бўш, ҳеч вақо йўқ кенглик бўлса ҳам. Муҳими, эминэркин, ўзимники деб кириб-чиқсанг, бас”, деган гапни қаердадир ўқигандим.

Назаримда, бу фикр моҳияти ҳаммага аён, айниқса, уй-жойга муҳтожлар ва айни муаммони бошидан ўтказганлар учун. Шу боис ҳам аҳолининг камбағал қатламини, аввало, ўз яшаш жойига, кичик ватанига эга бўлишига биринчи навбатдаги масала деб қараяпмиз.

— Ўтган йил охирида вилоят аҳолисига йўллаган мурожаатингизда “Келгуси беш йилда 10 минг хонадонли уй-жойлар қурилади”, деган режани келтириб ўтдингиз. Ушбу рақам таркибида уй-жойга эҳтиёжманд камбағал оилалар ҳам назарда тутилганми?

— Ҳа, албатта. Ҳисоб-китобимизга кўра, беш йилда 1,5 мингдан зиёд уй-жойлар кам таъминланган оилаларга ажратилади. Жумладан, оғир турмуш шароитида яшаётган 800 нафар аёл субсидия олади, 450 нафарига бошланғич бадал пули тўлаб берилади. Яна 120 нафари бепул уй-жой билан таъминланади. Лекин бу борадаги ишларимиз фақат шу билан чегараланиб қолмайди. Президентимиз ташаббуси билан бошқа ҳудудлардаги каби вилоятимизда ҳам “Янги Ўзбекистон” даҳаси қурилади. Яъни 2022 — 2024 йилларда Янгиер шаҳрида жами 16 гектарлик “Янги Ўзбекистон” даҳаси барпо қилиниши белгиланган. Бош режага асосан, жами 50 та беш қаватли, минг хонадонли тураржой бинолари ва инфратузилма объектлари босқичма-босқич бунёд этилиши режалаштирилган.

Энг муҳими, бу уйларнинг нархи одатдагидан анча арзон бўлади. Ва уларнинг бир қисмига ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар имтиёзли равишда жойлаштирилади...

3

ЮКСАЛИШЛАР СУРЪАТИГА МУНОСИБ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимиз раислигида мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш, ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги ишлар ҳамда жамиятимизда илмга интилиш сезиларли даражада кўпайгани, фарзандини яхши ўқитаман, деган ота-оналар, билим олишга қизиқувчи ёшлар сони ортгани таъкидланди.

Фикр

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда юртимизда ихтисослаштирилган мактаблар сони 271 тани ташкил этган. Президентимизнинг аниқ фанлар ва хорижий тилларни ўргатишга оид ташаббуслари, қабул қилган қарорлари натижасида математика ҳамда физика фанлари бўйича 126 та, кимё-биология бўйича 87 та, ахборот технологиялари йўналишида 99 та, хорижий тиллар бўйича 207 та ихтисослаштирилган мактаблар очилиб, халқ таълими тизимидаги бундай муассасалар сони 790 тага етди.

3

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ: ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

Глобаллашув шароитида ахборот макони турфа хабар, ахборот ва маълумотларга тўлиб-тошиши турган гап. Оммавий ахборот воситаларида кўтариладиган масалаларнинг эса поёни бўлмайди. Сиёсий мулоқотда “кун тартиби” (agenda setting) деб аталадиган ҳодиса бундай ахборот уммонида “чўкиб кетмаслик”ка хизмат қилади. 1972 йилда М. Маккомбс ва Д. Шоу томонидан илгари сурилган бу ёндашув ахборотларни саралаш ва уларга аудитория эътиборини қаратишни назарда тутади. Одатда, “кун тартиби”га бир нечта мавзу киритилади. Ундан ўрин олишнинг эса қатор шартлари бўлади. Бунда мазмунга биринчи даражали эътибор қаратилади. Аниқроғи, муҳим, ўткир, долзарб, юқори ижтимоий аҳамиятга эга, кўламдор, ечим талаб қиладиган муаммолар устуворлик касб этиб, “кун тартиби”дан ўрин олади. Ахборот маконида айнан шу мавзуларга кўпроқ мурожаат қилинади.

Нуқтаи назар

Бугун **Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси** “кун тартиби”дан ҳақли ўрин эгаллади.

Аввало, давлатнинг стратегик мақсадларини белгилаб бериш юқори аҳамиятли ва ўта масъулиятли вазифа саналади. Чунки мамлакат тақдири кўп жиҳатдан келгусида эришилажак марраларнинг қанчалик тўғри танланганига боғлиқ бўлади. Пухта ишлаб чиқилган стратегия давлатнинг тараққиётига туртки беради. “Келажакка сакраш” қилган Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг стратегияларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ҳаракатдан тараққиётга юзланиш

Айни пайтда юз фоиз қўл келадиган универсал стратегияларни ишлаб чиқиш амримаҳол. Чунки ҳар бир мамлакат ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз стратегиясини ишлаб чиқади.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш зарур: Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда халқ хоҳиш-истаклари, манфаат-эҳтиёжларига таянилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу тажрибага шундай баҳо берди: “...Биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик. Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислоҳотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида **“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”** деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди”.

Номидан ҳам кўриниб турибди: аввалги босқичда ривожланишимизга тўғаноқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш, тараққиётимизга туртки бўладиган “драйвер”ларни топишга ҲАРАКАТ қилган бўлсак, янги босқичда биз сифат ўзгариши ясаймиз, трансформацияни амалга оширамиз, ТАРАҚҚИЁТга юзланамиз.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 20 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида — “Ўзбекистон учун 100 ғоя” ва “Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори” танловлари, “Бизнесга биринчи қадам” грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этади.

4. Етакчилар ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган тадбирлар маҳалладаги ёшларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда **ҳар куни** ўтказилишини таъминлаб борсин.

5. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси (Турдиев) ва Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдуллаев):

ҳар бир маҳаллада “Бир нуронийга ўн нафар ёш”, “Кекса авлод учрашувлари” лойиҳаларини амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда “Ёшлар нуронийлар эътиборида” **рукни остида туркум кўрсатувлар** тайёрланиши ва эфирга узатилишини таъминласин;

маҳаллаларда ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашга қаратилган **туркум тадбирларни ташкил этиш** чораларини кўрсин.

6. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон спорт федерация (ассоциация)лари раҳбарлари:

ҳар чоракда ҳудудлар кесимида камида бир маротаба ҳаваскор ёшлар орасида мусобақалар ўтказилиши бўйича **йиллик режа-графикларини** тасдиқлаб, амалга оширилишини таъминласин;

мусобақаларда ижобий натижаларга эришган ёшлар спорт билан мунтазам равишда шуғулланиши ва профессионал спортчи бўлиб етишиши учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўрсин.

Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар Етакчилар томонидан маҳаллаларда тадбирлар ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

7. Белгилансинки:

ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган мамлакат бўйича энг илғор **100 нафар Етакчилар бир ойлик иш ҳақига тенг миқдорда** бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган **Етакчилар “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланади**.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 мартдан** бошлаб:

1-иловада кўрсатилган ёрдам турлари **Етакчининг тавсияси асосида берилади**;

Етакчи ёшларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш бўйича маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича **ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорлик қилади**;

Етакчи юқорида кўрсатиладиган ёрдам турларини беришни кўзда тутилган ҳар бир мурожаатнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини чуқур ўрганган ҳолда уларни бериш учун масъул идора ва ташкилотларга ўз тавсиясини тақдим этади;

Етакчи бериладиган тавсияларнинг асослилиги, ҳаққонийлиги ва адолатлилиги учун масъул ҳисобланади.

Ёшлар ишлари агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган ёрдам турларини беришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги механизмларни ихчамлаштириш ва соддалаштириш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасида ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида **3 нафар штат** бирлигидан иборат бўлган **Ёшлар ишлари шуъбаси**;

Ёшлар ишлари агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари тузилмаларида **маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўлинмалари** ташкил этилсин.

10. Давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларидаги **ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар** бўйича проректорга (директор ўринбосарига) **биринчи проректор** (директорнинг биринчи ўринбосари) мақоми берилсин.

Давлат умумий ўрта таълим мактабларида директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ёшлар масалаларида идоралараро ҳамкорлик ва Етакчилар фаолиятига кўмаклашиш учун масъул деб ҳисоблансин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Ёшлар масалалари билан шуғулланиш ва ҳудудларда ушбу фаолиятни **мувофиқлаштириш** шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан амалга оширилади;

Етакчиларнинг ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларининг штат бирликлари умумий ўрта таълим мактабларидаги **10 008 нафар ёшлар етакчилари штат бирликларини қисқартириш** ҳисобидан шакллантирилади;

Етакчи лавозимига номзодлар туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссияларини шакллантириш орқали **очиқ танловлар** асосида ишга қабул қилинади;

Етакчи лавозимига ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ёшларни эргаштира оладиган, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи, садоқатли ва ватанпарвар номзодлар тайинланади.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда штат бирликлари қисқартирилган ходимларнинг иш билан таъминланиши чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

иш фаолияти натижаларига кўра Етакчиларни **Миллий кадрлар захираси**га киритсин, бунда ушбу Етакчилар танловсиз тўғридан-тўғри юқори лавозимларга ўтказилиши мумкин;

икки йиллик меҳнат фаолияти натижаларига кўра Етакчиларнинг лавозимини ошириш юзасидан вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда **2022 йил 1 мартга** қадар Етакчилар учун янги жорий этилаётган тизимнинг туб моҳияти ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича **ўқув семинарларини** ташкил этсин.

Ўқув семинарларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўқув семинарларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш вазифаси юклансин.

14. Етакчининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қуйидагича белгилансин:

хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **5 баравари** миқдорида;

хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **5,5 баравари** миқдорида;

хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **6 баравари** миқдорида.

Ёшлар ишлари агентлигига фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Етакчиларни **ҳар чорак** якуни бўйича **ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда мукофотлаш** ҳуқуқи берилсин.

15. Белгилансинки:

бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бораётган Етакчи учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган миқдорда тураржой ижара тўлови қоплаб берилади**;

йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган Етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг **50 фоизи миқдорида**, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сон Фармонига мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг **50 фоизидан** юқори бўлмаган миқдорда **субсидия** берилади;

ушбу қарорнинг 7-банди иккинчи хатбошиси, 14-банди ва ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган тадбирларнинг молиялаштирилиши белгиланган тартибда **Давлат бюджети** ҳисобидан амалга оширилади;

Етакчи лавозимига ишга қабул қилинган шахсларнинг **ҳарбий ва махсус унвонлари сақлаб қолинади**, Етакчи лавозимидаги иш стажи навбатдаги ҳарбий ва махсус унвонлар олишда ҳисобга олинади, шунингдек, уларга олдинги иш жойига қайтганида қонунчиликда белгиланган барча имтиёзлар татбиқ этилади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кадрларнинг амалдаги захирасини шакллантириш ваколатига эга бўлган вазирлик ва идоралар Етакчи лавозимига ишга қабул қилинган ходимларини **кадрларнинг амалдаги захирасига киритиб сафарбар қилади**.

16. Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар бир Етакчининг **иш фаолиятини тўлиқ рақамлаштирсин** ҳамда қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи **электрон рейтинг тизимини** (KPI) жорий этсин:

маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини кунлик амалга ошириш ҳолати;

тадбирларда маҳалладаги ёшларни тўлиқ қамраб олинганлик даражаси;

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларини рақамлаштириш даражаси;

хорижда юрган маҳалла ёшлари билан яқиндан алоқанинг йўлга қўйилганлиги.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **2022 йил 1 мартга қадар**:

Етакчилар учун қулай шароитга эга бўлган **хизмат хоналарини ажратсин** ва уларни **моддий-техник жиҳозлар** (мебель, компьютер тўплами, алоқа, интернет ва бошқалар) билан таъминласин;

маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Етакчиларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига уланган, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи **планшетлар** билан таъминласин.

Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **икки ой муддатда** планшетларда фойдаланиладиган **дастурий таъминотни** ишлаб чиқсин ва Етакчиларга тақдим этсин.

18. Молия вазирлиги ушбу қарор билан ажратилиши лозим бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча даромад ва иқтисод қилинадиган маблағлари доирасида ажратилишини таъминласин.

19. **Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси** 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

Етакчиларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, уларга ўз вазифаларини лозим даражада амалга ошириши учун услубий кўмаклашиш;

маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг **яхлит вертикал “маҳалла — туман — вилоят — республика”** бошқарув тизимини яратиш бўйича ишлар самарадорлигини назорат қилиш;

Етакчилар фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан идоралараро ҳамкорликни таъминлаш.

20. Ёшлар ишлари агентлиги:

икки ҳафта муддатда Етакчининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш бўйича намунавий низомни тасдиқласин;

ҳар ҳафтада ҳокимлар ва Етакчилар иштирокида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиб борсин;

Етакчилар фаолиятининг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида **ҳар ҳафтада** ҳудудларга чиқиб, маҳаллабай ишлаш тизими асосида амалга оширилаётган ишларни жойида ўрганиб борсин;

ҳар ойда амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясига ахборот киритиб борсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Етакчиларни уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилиш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш тақиқлансин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларида шаклланган **қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи** миқдорида маблағларни **ҳар чоракда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига** ажратилишини қатъий таъминлаб борсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

24. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси раиси **К.К.Куранбаев**, Ёшлар ишлари агентлиги директори **А.З.Саъдуллаев**, **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар олти ойда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 январь

АКАДЕМИК БАХТИЁР НАЗАРОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Таниқли адабиётшунос олим, ўзбек адабий танқидчилигининг етакчи намояндаларидан бири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Бахтиёр Назаров 77 ёшида вафот этди.

Б. Назаров 1945 йил 17 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1966 йили Тошкент давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тугатиб, меҳнат фаолиятини мактаб ўқитувчилигидан бошлади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) аспирантурасида таълим олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 55 йиллик илмий педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон энциклопедияси таҳририяти муҳаррири, Фанлар академияси президенти маслаҳатчиси, бош илмий ходими, Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти кичик, катта илмий ходими, бўлим мудири, илмий котиби, директори, Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими илмий котиби, бош илмий котиб ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Ўзбек адабий танқидчилигининг илмий асосларини яратиш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориб, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, унинг раҳбарлигида 10 нафар фан доктори ва 20 дан зиёд фан номзодлари тайёрланган.

Б. Назаровнинг XX аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараёнга оид илмий ишлари, дарсликлари, ўнлаб монография ва рисолалари, 200 дан ортиқ илмий мақолалари замонавий ўзбек адабиётининг бадиий савиясини баҳолашда ўзига хос ўрин тутади.

Академик Б. Назаровнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Бахтиёр Назаровнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, С. САИДОВ

ҲАМ МАЪРИФАТ МАСКАНИ, ҲАМ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

Маҳалла азалдан нафақат тарбия маскани, айни чоғда янги ташаббуслар маркази ҳам бўлиб келган. Шу боис мамлакатимизда ушбу тузилманинг бу имкониятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мушоҳада

Президентимизнинг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда давлат раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйишга бағишланганини ҳам мамнуният билан айтиш зарур.

Унда қайд этилганидек, ўтган йилда маҳаллабай ишлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз боис ялпи ички маҳсулот 7,4 фоиз ўсган. Эндиликда ана шу кўрсаткичларни янада яхшиламоқчимиз. Бу борада янги йилдан юртимиздаги маҳаллаларда иш бошлаган 9 минг 309 нафар ҳоким ёрдамчисининг ҳиссаси катта бўлиши, шубҳасиз.

Ҳозирги кунда Жиззах вилоятида жами 299 та фуқаролар йиғини бўлиб, уларнинг барчасида серғайрат ҳоким ёрдамчилари иш бошлади. Бугун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги кредитлар ҳамда турли жамғармалар ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ажратиладиган субсидиялар ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида берилмоқда.

Улар Президентимизнинг жойлардаги вакиллари сифатида аҳолини имконият ва имтиёзлардан тўлиқ бохабар қилиш ва даромадларини ошириш билан боғлиқ қатор вазифаларга масъул. Иқтисодчиларнинг бу тарзда ҳар бир маҳаллага кириб бориши ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларнинг даромадини оширишда муҳим омилга айланиши ўз-ўзидан тушунарли. Қолаверса, давлатимиз томонидан ушбу мақсадлар учун 2 трлн. 159 млрд. сўм субсидия ажратилмоқда.

Ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш ҳисобига аҳоли даромадларини ошириш мақсадида йўлга қўйилаётган бу тизим ўз ҳаётийлиги билан алоҳида диққатга сазовор.

Хўш, бугун янги лавозим эгалари нима юмушлар билан банд?

Аввало, ҳоким ёрдамчилари маҳалла ихтисослашуви ва “ўсиш нуқтаси”дан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш чораларини кўрмоқда ҳамда ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, ўзини ўзи банд қилиши учун кўмаклашиш жараёнларига бош-қош бўлмоқда. Бунинг учун улар томонидан маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда ҳудуд аҳолиси билан учрашиб, уларни қийнаётган тизимли муаммоларни мутасаддилар билан биргаликда ҳал этаётир.

Яна бир муҳим жиҳат хусусида айтмасак бўлмайди. Гап шундаки, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ҳар бир маҳалладаги хонадонларга ва янги очилаётган тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак сифатида берилаётган кредит ресурслари лимити ҳоким ёрдамчилари ихтиёри ва назоратида. Ана шу маблағлар ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар орқали томорқасидан самарали фойдаланишда, экинларни экишда, кўчат, ўғит, иссиқхона ва сув масалаларини ҳал этишда ҳамда хонадонида паррандачиликни йўлга қўйишда кўмак берилянпти.

Эътиборлиси, ҳоким ёрдамчиларига амалий ёрдам бериш учун иқтисодиёт идоралари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари бириктирилмоқда. Бу маҳалла муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ечим топишда қандай самара беришини тасаввур этиш қийин эмас.

Умуман олганда, амалга оширилаётган ушбу эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли маҳалла нафақат маърифат маскани, балки янги ташаббуслар ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига ҳам айланади.

Назира МУХТОРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Ислоҳотлар самараси

ЖИЛВОН ОБОД МАНЗИЛГА АЙЛАНАДИ

Шофирконда Қизилқум саҳросига туташ Жилвон деган маҳалла бор. Бу гўшада 3 минг 200 нафардан зиёд аҳоли умргузаронлик қилмоқда. 751 та оила рўйхатда турибди.

Сир эмаски, чекка манзилларнинг муаммолари оз бўлмайди. Масалан, биргина 3 — 7 ёшли болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш масаласини кўрайлик. Ҳудудда давлат мактабгача таълим ташкилоти йўқ. Аммо 3 та оилавий болалар боғчаси ташкил этилган. Уларга жилвонлик болажонларнинг 35,2 фоизи қамраб олинган. Ички йўлларни таъмирлаш, электр энергияси тармоғини қайта қуриш, ичимлик суви таъминоти, аҳоли бандлиги каби масалалар ҳам долзарб.

Вилоят ҳокими Ботир Зарипов бошчилигидаги турли соҳа раҳбар ва мутасаддилари мазкур маҳаллада бўлиб, ушбу муаммоларни атрофлича ўрганди, уларни ҳал этиш йўллари белгилаб олинди.

Ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, маҳалланинг 40 километр узунликдаги ички йўллари таъмирланади, 11 трансформатор созланиб, 2 таси янгитдан ўрнатилади. “Чақар” сув иншооти имкониятларидан фойдаланиб, аҳолини марказлаштирилган тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. 120 га яқин эҳтиёжманд оилалар вакилларининг чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона хўжалиги билан шуғулланиб, рўзғорларини бут қилишлари учун имкониятлар яратилади. Жилвон узумчилиги довруғини тиклаш орқали ҳам ўнлаб оилаларнинг моддий манфаатдорлиги таъминланади.

Эътиборлиси, маҳаллада шу пайтга қадар бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. Бу ҳам чўл қийинчиликларини енгиб яшаётган жилвонликларнинг бошқаларга ибрат бўлаётганидан далолат.

Хуллас, маҳаллада амалий ишларга киришилди. Энди Жилвон обод манзилга айланади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚУВА ТУМАНИДА «ЁШЛАР БОҒИ» БАРПО ЭТИЛАЁТИР

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Қува тумани ёшлари учун ажратилган 5 гектар майдонда “Ёшлар боғи” барпо этилмоқда.

Туманнинг “Сойгузар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Ёшлар боғи”га 1 минг 500 туп манзарали ва мевали кўчатлар экилди.

Фуқаролар йиғини раиси Абдумухтор Халиловнинг айтишича, боғ ҳудуди кооперация асосида ёшларга 10 — 15 сотихдан бўлиб берилиши режалаштирилмоқда. Манзарали ва мевали дарахтлар тўла қад ростлагунга қадар ёшларга ушбу ер майдонида катальпа, шумтол, қарағай, лола дарахти каби турли манзарали кўчатлар етиштириш орқали қўшимча даромад олиш имконияти яратилади.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ФЕРМЕРНИНГ АРПА МАЙДОНИ БУЗИЛМАЙДИГАН БЎЛДИ

Яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган бир хабар турли мунозара ва қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Унда Ғаллаорол туманидаги фермер хўжалигининг арпа майдони мутасаддилар томонидан бузиб ташланиши талаб қилинаётгани айтилган бўлиб, бу кўпчиликда эътироз туғдиргани табиий.

Янада аниқроғи, фермер хўжалиги раҳбари А. Ҳайдаров ердан унумли фойдаланиш мақсадида ўзига тегишли даланинг бир қисмига арпа эккани ва туман қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари эса ушбу экин майдонини бузиш талабини қўяётганлигини маълум қилган.

Мазкур масала Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан назоратга олиниб, ҳолат жойига чиқиб ўрганилди.

Маълум бўлишича, "Ёнғоқзор неъмати" фермер хўжалигига 9 гектар суғориладиган ер майдони ёнғоқ кўчатлари экиш учун ажратилган. Аммо шу ернинг 3 гектарига фермер хўжалиги томонидан арпа экилади. Бу келишувга мувофиқ бўлмаса-да, фермер хўжалигининг арпа экилган майдони то ҳосил пишиб-етилгунига қадар сақлаб қолинадиган бўлди.

Ўз навбатида, сенатор ҳамда масъуллар томонидан фермер хўжалиги раҳбарига ердан самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.

МУРОЖААТЛАРНИНГ ИЖРО МУДДАТИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш қўмитаси раисининг ўринбосари Ботир Матмуратов Тўрткўл туманидаги "Ёнбошқалъа" овул фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашув ўтказди. Унда ҳоким ёрдамчиси, фуқаролар йиғини фаоллари ва тегишли ташкилот масъуллари қатнашди.

Учрашувда сенатор томонидан Президентнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантиришга қаратилган Фармон ва қарорлари ҳамда парламент юқори палатасининг охирги ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўрилган бошқа масалалар мазмун-моҳияти бўйича атрофлича тушунтириш берилди.

Шундан кейин фуқароларнинг коммунал, ишсизлик, солиқ тўловларига доир мурожаатлари тингланди. Билдирилган ҳар бир мурожаат эътиборга олинган ҳолда, ташкилотлар масъуллари томонидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Учрашувда аксарият мурожаатлар ижобий ҳал қилинди. Вақт талаб этадиганларининг эса ижро муддати ва ижрочилари белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

ЮКСАЛИШЛАР СУРЪАТИГА МУНОСИБ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

1

Уларнинг 135 таси тўлиқ ихтисослаштирилган ва ўз ётоқхонасига эга. Қолган 655 та мактабда атиги 25 фоиз синфларда у ёки бу фан чуқур ўргатилади. Улардаги таълим дастури, ўқитиш методикаси, фан тўгараклари оддий мактаблардан деярли фарқ қилмайди. Мисол учун математика ёки чет тилига ихтисослаштирилган синфларда 2 соат кўпроқ махсус фан ўтилади, холос.

Давр талаби ва келгусидаги тараққиёт суръатига муносиб бўлиш учун бу етарли эмас. Ихтисослаштирилган мактаблар қамровини кенгайтириш, таълим сифатини яхшилаш борасидаги ишларни амалга оширишни изчил давом эттириш керак.

Йиғилишда таъкидланганидек, ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилади. Агентлик фақат 14 та мактаб учун тузилмагани, Президент мактабларидаги муҳит, методикани бошқа мактабларда ҳам жорий этиш асосий вазифа эканлиги айтиб ўтилди. Шу боис янги ўқув йилидан бошлаб, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида иккитадан, туман ҳамда шаҳарларда биттадан мактаб танлаб олиниб, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказиладиган бўлди. Бунда ўша ҳудудда ривожланган тармоқлар, азалдан кучли ўқитилган фанларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Ихтисослаштирилган мактабларга қабул тартиби, ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолаш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш кераклиги айтилди. Йиғилишда мактаб таълимини ривожлантиришга маҳаллий ҳокимликлар, университетлар ҳам масъул экани, ўзлари учун истиқболли кадрлар захирасини тайёрлаб бориши зарурлиги таъкидланди.

Таълим даражаси, аввало, ўқитувчининг билим ва малакасига боғлиқ. Шу боис ихтисослаштирилган мактабларга раҳбар ва педагоглар икки босқичли танлов асосида қабул қилинади. Президент таълим муассасалари агентлигига ушбу тизим асосида юқори малакали ўқитувчиларни жамлаб, қўшимча ўқитиш, миллий ва халқаро сертификатлар олишига кўмаклашиш топширилди.

Таъкидланганидек, агентликнинг Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази негизида илмий марказ ташкил этиш вазифаси қўйилди. У ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳар бир йўналиши бўйича халқаро методика асосида илғор таълим дастурлари ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бу ишларни самарали уюштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда Президент таълим муассасалари агентлигининг ҳудудий бўлимлари йўлга қўйилади.

Йиғилишда мактабларда хорижий тилларни ўқитиш сифати пастлиги кескин танқид қилинди. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги бошқа мактабларда ҳам таълим сифатини ошириш, фанлар ва хорижий тилларни чуқур ўргатиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг илм-фанга, фарзандларимизнинг пухта таълим-тарбия олишига доимий эътибор қаратаётгани, шубҳасиз, таҳсинга сазовор. Чунки таълим, бу — тараққиёт, таълим, бу — нажотдир. Ривожланишимиз, дунё давлатлари орасида тутган ўрнимиз ва нуфузимизни айнан таълим, илм-фан белгилаб беради.

Ўрол ЎРОЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қўриқлаш фаолияти:

АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМЛАШТИРИЛМАГАН

Парламент қуйи палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тегишли соҳа вакиллари, депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси раҳбарияти ва масъул ходимлари иштирок этган тадбирда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилиниб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтиришга доир қатор таклифлар берилди.

Мамлакатимизда қўриқлаш фаолияти, давлат органларининг қўриқлаш бўлинмалари, идоравий ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмалари ҳамда идоравий қоровуллик бўлинмалари томонидан қонуности ҳужжатлари асосида амалга оширилмоқда. Аммо қўриқлаш фаолиятини ташкил этиш ва ижросини таъминлаш тартибини белгиловчи амалдаги қонунчилик ҳужжатлари тизимлаштирилмаган. Қолаверса, қўриқлаш фаолиятининг асосий принциплари қонун ҳужжатларида белгиланмаган.

Шунингдек, объектни, мулкни ҳамда шахсни қўриқлаётган ходимлар томонидан давлат мажбурлов чораларини кўриш (куч ишлатиш, махсус воситалар ва қуролни қўллаш тартиби), кадрларни танлаш, тайёрлаш ва ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари қонун даражасидаги ҳужжатда белгиланмаган.

Мазкур қонун лойиҳасида эса қўриқлаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, қўриқлаш фаолияти турлари, уни бажарувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгилаш, қўриқлаш фаолиятини амалга оширишнинг ягона тартибини жорий этиш каби концептуал ғоялар мужассамлаштирилган.

Йиғилишда қонун лойиҳасини тайёрлашда давлат қўриқлаш фаолияти, хусусий қўриқлаш фаолияти, идоравий қўриқлаш фаолияти ва идоравий мансуб бўлмаган қўриқлаш фаолиятини белгиловчи Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Украина ҳамда бошқа кўплаб давлатларнинг қонунчилиги ўрганилгани таъкидланди.

Якунда депутатлар томонидан берилган таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб, улар қонун лойиҳасида ўз аксини топадиган бўлди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЯНАДА КЎПРОҚ ЮЗАГА ЧИҚАДИ

1

Яна бир янгилик шундан иборатки, жорий йил 1 майдан эътиборан шу соҳадаги ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари кенг қўллаб-қувватланади. Ана шу мақсадда Давлат бюджетидан Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳар бир ташаббускорга 50 миллион сўм миқдорида, жами 10 миллиард сўмгача грантлар ажратилади. Ҳужжатда бу маблағлар қандай мақсадлар учун йўналтирилиши ҳам белгилаб қўйилган. Яъни маблағлар онлайн тўловларни қабул қилувчи замонавий веб-сайт яратишга ҳамда хорижий мамлакатлардаги туризм кўргазма ва ярмаркаларида иштирок этиш учун йўналтирилади.

Табиийки, мазкур грантларни ажратишнинг ўзига хос шарти ҳам бор. Аниқ айтадиган бўлсак, хориждан Ўзбекистонга уч йил давомида камида 200 нафар хорижий турист учун тур ташкил қилиш талаб этилади. Аммо буни "пул бергандан кейин талаб ҳам қилинади-да", қабилида тушунмаслик керак. Аксинча, бу шарт талабгорларга ўзгача рағбат беради, десак, Фармон мақсадини тўғри англаган бўламиз.

Фармонда, шунингдек, яна бир қатор вазифалар кўзда тутилган бўлиб, буларнинг барчаси, пировардида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини янада кўпроқ юзага чиқариш орқали иқтисодиётимизни ҳамда одамлар турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Акром ҒАНИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Сарҳисоб

ИЛМ-ФАН РАВНАҚИ ҚАЙСИ БОСҚИЧДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "2021 йил сарҳисоби: илм-фан тараққиётининг янги босқичи" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда қўмитанинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан журналистларга батафсил ахборот берилди.

Таъкидланганидек, қўмита ўтган даврда қонун ижодкорлиги йўналишида 7 та қонун лойиҳасига масъул бўлиб, уларнинг барчаси қабул қилинди.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ ва мукаммал бўлишини таъминлашда қўмиталар ҳузуридаги экспертлар ҳамда ишчи гуруҳларининг йиғилишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ҳисобот даврида қўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича 37 та ишчи гуруҳ йиғилиши ташкил этилди.

Қўмита томонидан парламент назоратининг муҳим йўналишларидан бири — назорат-таҳлил тартибида жойларда соҳага оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ўрганиш якунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўтган даврда назорат-таҳлил фаолияти доирасида 10 та тадбир ўтказилди.

Ҳисобот даврида қўмита аъзолари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида долзарб масалалар юзасидан 31 та депутат сўрови юборилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш, уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилиб, қўмитага келиб тушган мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилган ҳолда, уларнинг аксарияти ижобий ечим топди.

ҚЎМИТА АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН 23 ТА ДЕПУТАТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

Парламент қуйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан "2021 йил сарҳисоби: мамлакат тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Таъкидланганидек, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, банк-молия соҳасини либераллаштириш ва Давлат бюджети тизимини ислоҳ қилиш каби муҳим йўналишларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга қўмита томонидан устувор аҳамият қаратилди. Жумладан, қонун ижодкорлиги йўналишида 25 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Шунингдек, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги масалаларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган илгари мавжуд бўлмаган 3 та қонун, 8 та яхлит қонун устида иш олиб борилди.

Қўмита томонидан қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ҳамда унинг якунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, назорат-таҳлил фаолияти доирасида 19 та тадбир ўтказилди. Улардан 16 таси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга, 3 таси Қонунчилик палатаси ва қўмита қарорлари ижросини мониторинг қилишга тааллуқлидир.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, қўмита сайловчилар кўтараётган масалалар ва жойларда олиб борилган ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ҳамда муаммоларни мутасаддилар эътиборини қаратган ҳолда ҳал этишга устувор аҳамият берди. Хусусан, 2021 йилда қўмита ташаббуси билан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларига 2 та парламент сўрови жўнатилган. Шу билан бирга, қўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 23 та депутат сўрови юборилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунга кўра, қўмита номига келиб тушган жами 526 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва уларнинг аксарияти ўз ечимини топди.

Шунингдек, қўмита фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш, назорат-таҳлил тадбирлари якунлари ва қўмита масъуллигида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига мунтазам равишда тушунтириб бориш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Матбуот анжуманларида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

«КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БАРОБАРИДА, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲАМ ИШЛАШИМИЗ КЕРАК»

1

— Янги уй-жойлар, даҳалар лойиҳаларида иш ўринлари яратиш режалари ҳам борми?

— Келинг, шу ўринда дастлабки саволингизга берган жавобга қўшимча қилсам...

— Марҳамат.

— Биласиз, иш ўрни яратиш камбағалликни қисқартиришнинг яна бир асосий омили. Чунки уйли бўлган инсонга "Бўлди, энди у камбағалликдан чиқди", деб қарамаслик лозим.

Халқимизда минг тилло билан боғлиқ ибратли ҳикоят бор: "Эмишки, бир саховатли инсон икки камбағалга тирикчилигини ўнглаб олиши учун минг тиллодан берибдида, сўнгра орадан бир йил ўтгач, уларнинг ҳолидан хабар олибди. Ва бири бойиб кетганини, иккинчиси эса "эски ҳаммом, эски тос" аҳволда, камбағаллигича қолганини кўрибди. Яъни минг тиллони тадбирли сарфлаганнинг иши юришиб кетибди, ҳавога совурган эса..." Демоқчиманки, камбағалликни қисқартириш ишига фақат моддий ёрдам бериш, имтиёзли кредит ажратиш, уй билан таъминлаш деб қарамаслик керак. Аввало, ҳар кимнинг имконияти ва салоҳиятига яраша иш бериш лозим.

Масалан, имтиёзли кредит олган хонадон қўлидан келадиган йўналишни танласин. Гоҳида кузатиладигандек, у яшаётган ҳудудга хос ва укувига мос бўлмаган соҳани эмас. Бундан ташқари, юртдошларимизни касбга ўргатиш масаласига диққат-эътиборимизни кучайтиришимиз жоиз. Токи ҳар бир ишсиз одам бирор касб ёки ҳунарни яхши ўрганиб, ўзида ишонч пайдо бўлгач, имтиёзли кредитни олиб, қўрқмасдан иш бошласин.

Айни талаблар янги қурилаётган уй-жойлар лойиҳасида ҳам ўз аксини топмоқда. Яъни биринчи навбатда, янги иш ўринлари бу ерда яшовчиларга яқин масофада бўлишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу билан бирга, ҳудуднинг иқтисодий имкониятига хос ва "драйвер"и бўлган йўналишлар танлаб олинади.

Ўтган йили ўрганишлар давомида 39 минг киши ишлаш истагини билдирган. Ва улардан 36 минг нафарининг ёки 91,4 фоизининг бандлиги таъминланди. Қолган қарийб 8 фоизи ҳам бир ёки икки киши эмас.

Айни пайтда мана шу 8 фоиз аҳоли ва бу борада янги йилдаги ўрганишлар натижасида аниқланаётган яна бошқа ишга талабгорларнинг ниятларини амалга ошириш устида ишлаяпмиз. Бунда, айниқса, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳунарли бўлиш кафолатли ишли бўлиш, дегани. Бу нафақат ҳаёт талаби, замон талаби ҳамдир. Ўтган йили ушбу йўналишда 81 фоизлик натижага эришдик. Яъни касб-ҳунарли бўлиш истагини билдирган 9,3 минг кишидан 7,5 минг нафари турли касб-ҳунарларга ўқитилди.

— Аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида гап кетганда, "Бизда қачон йирик лойиҳалар бўлар экан, бандликни юз фоиз бажарган бўлар эдик", деб қарайдиганлар ҳам бор. Бундай ёндашувга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Умуман олганда, бу гапда жон бор. Ҳақиқатан ҳам, бундан 6-7 йил аввал мана шундай ўйлайдиган, энг ачинарлиси, орзусининг амалга ошишини кутиб, қимматли вақтни беҳуда ўтказганлар бор эди, орамизда. Мана, бир неча йилдирки, имкониятни кутиб ўтириш эмас, уни атрофимиздан топишни ўргандик, ўзлаштирдик. Қолаверса, ўнлаб улкан лойиҳалар ҳам бўляпти, катта-катта заводлар қуряпмиз. Шу билан бирга, чекка ҳудудларнинг имкониятига хос иқтисодиётни ҳам ривожлантиряпмиз.

Дейлик, кейинги ўрганишлар асосида жами 993 та "драйвер" лойиҳа аниқланди. Тез орада улардан 782 тасининг ишга туширилиши туфайли 15 минг 631 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади.

Мисол учун Сирдарё туманидаги "Sirdaryo sohil agro universal" масъулияти чекланган жамияти "Агробанк" томонидан ажратиладиган 1 697,6 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига маҳалла ҳудудида 3 та контейнер ўрнатади. Уларга идора, ем сақлаш омбори, музлаткич жойланади. Бу ишнинг бошида турган МЧЖ "Лидер тадбиркор" деб юритилади, негаки, у барча оилавий тадбиркорларга ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Хусусан, 52 та хонадоннинг ҳар бирига "Лидер тадбиркор" томонидан шартнома асосида 28,8 миллион сўмлик курка, парранда катаклари ва озуқа маҳсулотлари ажратилади, ветеринария хизмати кўрсатилади ҳамда имтиёз сифатида ажратилган кредитнинг фоиз қарздорлиги тадбиркор томонидан қоплаб берилади. Натижада битта хонадон 4 ойда 42 миллион сўм даромад кўради, соф фойда эса 13,2 миллион сўмни ташкил қилади. Яна бир қулай жиҳати, фуқаролар томонидан етиштирилган курка гўшти таъминотчи тадбиркор томонидан сотиб олинади.

Ёки Сайхунобод туманининг Ўзбекистон маҳалласидаги "Лидер тадбиркор" томонидан эса 35 та хонадонга 20 тадан асалари қутилари етказиб берилади.

Умуман, бундай "драйвер" тармоқларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бандлик ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг бу кўриниши ҳар жиҳатдан фойдалилигини эса изоҳламасак ҳам яхши маълум.

— Яқин йилларда вилоят бўйича маълумотларда, оз бўлса-да, мавжуд камбағалликни қисқартириш вазифаси тўлиқ бажарилади, деб ҳисоблайсизми?

— Камбағаллик бутунлай йўқ бўлади, дейиш ноўрин. Негаки, энг тараққий этган давлатларда ҳам бу муаммо бор. Лекин уни қисқартириш деган маррадан ҳам ошишимиз аниқ.

Буни яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллабай ишлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган топшириқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Қисқа вақтда, амалиётда жуда катта самара берадиган маҳаллабай ишлашнинг янги тизими йўлга қўйиладиган бўлди. Яъни жорий йилдан бевосита ана шу тизим асосида ишлайдиган ҳоким ёрдамчилари иш бошлади. Ушбу тизимга масъул бўлган Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолияти ташкил этилиб, барча масала ечиб берилди. Ҳоким ёрдамчиларига аҳоли билан ҳар куни ишлаб, одамларга давлат томонидан яратилган молиявий имкониятларни етказиш, тадбиркорликка ва деҳқончиликка ўргатиш орқали уларни камбағалликдан чиқариш вазифаси юклатилди. Бу мақсадлар учун биргина жорий йилнинг ўзида 10 триллион сўм имтиёзли кредит ва 2,5 триллион сўм субсидия ажратилиши эса камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда жуда катта имкониятдир. Ушбу маблағ ҳар бир маҳаллага ўртача 1,3 миллиард сўмдан тўғри келиши кўплаб хонадонларга файзу барака келтиради дегани, албатта.

— Суҳбатимиз аввалида камбағалликни аниқлашдаги адолат ҳақида гапирдингиз. Сизнингча, аҳолининг бу қатламини тўғри ва адолатли аниқлаб олишда фақат сўровномалар тўлдириш амалиёти кифоя қиладими?

— Яхши савол бўлди. Биласиз, халқимизда андиша туйғуси кучли. Қайсидир хонадон аслида ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманду, лекин буни билдирмасликка ҳаракат қилади. Хўш, мана шу вақтда нима қилиш керак?

Албатта, бундай ҳолатда, биринчи галда, маҳалла ва ундаги яқинда иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари зийрак бўлишлари лозим. Бундай оилани аниқлаш ва унга ёрдам бериш орқали нафақат бир рўзғорга барака киради, балки ўша хонадон аъзоларининг барчаси юртимизда инсон қадрига қанчалар юксак эътибор берилаётганини ўз ҳаётида ҳис қилади. Кимгадир ана шу туйғуни бахш этишнинг ўзи ҳар биримизнинг ишимиздаги энг катта натижа бўлади.

— Сиз раҳбарлик қилаётган вилоят аҳолиси бошқа ҳудудлар билан солиштирганда камроқ. Шундан келиб чиқилса, иш, уй-жойга эҳтиёжмандлар ҳам бирмунча оз бўлса керак...

— Менимча, ҳар бир муаммо унинг кўп ёки камлиги билан ўлчанмайди. Ҳудудида бир нафар бўлса ҳам, кимдир уйга, кимдир ишга муҳтожми, демак, ўша жойнинг мутасаддилари зиммасида масъулиятли вазифа турибди. Юқорида айтганимдек, инсон қадри фаолиятимизнинг бош мезони бўлиши лозим.

Мана эътибор беринг, вилоятимизда жами 236 та маҳалла бор. Сўнгсўз ўрнида: суҳбат якунида Гофуржон Мирзаевдан "Ўзингиз ҳам камбағаллик нонини еганмисиз? Буни ҳаётингизда ҳис қилганмисиз?" деб сўрадик.

Жавоб шундай бўлди: "Отамдан эрта етим қолганмиз. Онам томорқамизда кўкатлар ўстирар эди. Мен уларни бозорга олиб чиқиб, сотиб келар эдим. Балки ўша пайтлар бола онгим билан унчалик сезмагандирман. Энди ўйласам, ўшанда рўзғоримизда катта молиявий қийинчилик бўлган экан"...

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2022 йил 20 январь

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:
ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

1

Эътибор беринг, сайловларда ўзига хос умумхалқ эътиборидан ўтказилган бу ҳужжат лойиҳаси 1 — 15 январь кунлари жамоатчилик муҳокамасига яна бир бор тақдим этилди. Бу жараёнда қатнашган фаол фуқаролар сиймосидаги халқ вакиллари Тараққиёт стратегиясини таҳрир қилди, унга аниқлик киритди, уни халқ эҳтиёжларига мослаштирди, халқ манфаатлари нуқтаи назаридан тўлдирди ва мазмунан бойитди. Бошқача айтганда, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига **ҳаммуаллифлик** қилди. Давлат қарорларини қабул қилишда халқ иштирок этди, бунга шароит яратилди, рағбат берилди. Халқ билан мулоқотнинг бундай шакли Ўзбекистонда том маънодаги демократия янги босқичга чиқаётганига далилдир. Муҳими, давлат сиёсатидаги бундай ёндашув яхши анъанага айланмоқда, бу эса кучли фуқаролик жамияти шаклланишига замин яратмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мамлакатимиз ҳаётига таъсири улкан эканини тан олишимиз керак. Негаки, унда давлатимиз учун энг мақбул тараққиёт йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, бу ҳужжатда илгари сурилган мақсадлар қанчадан-қанча дастур, режа, концепция, “йўл хариталари”, бизнес ғоялар, инновацион лойиҳалар учун пойдевор вазифасини ўтайди. Шу боис стратегиядан ўрин олган масалалар ҳам ниҳоятда кўламдор. Мактаб ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш, аёлларнинг болани парваришлаш таътилида бўлган вақтини иш стажига қўшиш, маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институтини жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, шифокорлар маошларини босқичма-босқич 1000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 марта кўпайтириш каби масалалар бу давомли рўйхатнинг айримлари, холос.

Инсонга муносабатнинг ўзгариши

Тараққиёт стратегиясида 7 та устувор йўналишдаги 94 мақсад жамланган. Залвари, юки ва салмоғига кўра, бу мақсадлардан қайси бири бирламчи ёки муҳимроқ эканини белгилаш амримаҳол. Чунки мамлакатимиз ривожи билан боғлиқ энг ўткир, энг оғриқли, энг долзарб масалалар ҳужжатдан ўрин олган. Янгича тенденциялар ифодаланган, янгича ёндашувлар бўй кўрсатган, янги қадриятлар илгари сурилган. Муҳими, **“ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”** тамойили ислоҳотларнинг ўзак ғояси, ўзгаришларнинг йўлчи юлдузи сифатида эътироф этилган.

“Инсон қадри” шунчаки чиройли сўз эмас, муболаға ҳам, бўрттириш ҳам йўқ бу тушунчада. Аслида “қадр” ҳақида гап кетганда, аввало, муайян нарсанинг баҳоси, аҳамияти, муҳимлиги, қиймати, фойдалилиги тушунилади. Лекин муайян қиймат билан ўлчаш мумкин бўлмаган, баҳосини белгилаш маҳол бўлган нарсалар ҳам бор-ку. Шу жиҳатдан, инсон қадри бебаҳо ва муқаддас эмасми? Уни нима билан ўлчаш мумкин? Тарозида гўштни, шакарни, ёғни, ҳатто михни ўлчашади, лекин инсон қадри нима билан ўлчанади? Ёки метр билан газмол, иморатнинг баландлиги, уйдан мактабгача бўлган масофа ўлчанади, лекин инсон қадри эмас. Шундай экан, инсон қадри нимага қараб белгиланади? Уни қандай тошу тарозида баҳолаш мумкин?

Президентимиз томонидан бу саволга аниқ-тиниқ жавоб берилган: “**Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз**”.

Ҳар бир инсон, жамиятда қандай ўрин эгаллаганидан қатъи назар, уни қадрлашлари ва ҳурмат қилишларини истайди. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Инсон қадрини ёрқин кўрсатадиган нарса эса бу — **ИНСОНГА МУНОСАБАТ**. Шахснинг ҳуқуқ, манфаат ва эҳтиёжларига юқори баҳо берилиши, унинг ҳар томонлама эъзозланиши, ундан вақтни, маблағни, меҳнатни аямасликда инсон қадри бўй-басти билан намоён бўлади. Муҳими, инсонга ўзгаришларни амалга оширувчи ВОСИТА деб эмас, ўзгаришлар МАҚСАДИ сифатида муносабатда бўлиш талаб этилади. Бошқача айтганда, “Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун”.

Шу нуқтаи назардан, янги босқичдаги хатти-ҳаракатларимиз “Инсон қадри” ғояси мантиғига бўйсундирилади. Юртимиздаги барча ислоҳотларнинг марказига инсон қўйилади, унга барча ўзгаришларнинг мезони сифатида қаралади, янгиланишлар инсон учун, унга муносиб ҳаёт шароитини яратиш мақсадида амалга оширилади.

Давлат хизмати трансформацияси

Тан олиш керак, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидан ўрин олган мақсадлар давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳалари ривожига хизмат қилади. Лекин инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат қуриш Тараққиёт стратегиясининг дастлабки устувор йўналиши сифатида белгилаб берилганининг сабаби нимада? Чунки қолган олти йўналишдаги фаолиятимиз самарадорлиги, энг аввало, халқпарвар сиёсатга, халқчил бошқарувга бевосита боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, **халқчил Тараққиёт стратегиясини халқпарвар раҳбарларсиз** амалга ошириб бўлмайди. Бу эса давлат хизматини янги поғонага кўтаришни тақозо этади.

Аслида, “давлат хизматчиси” бириккмаси давлатга хизмат қилувчи маъносини беради. Лекин Президентимиз давлат билан унинг хизматчилари ўртасидаги муносабатда ҳам туб ўзгариш ясашни талаб қилмоқда: **“Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”**. Шу ўринда “Ким кимга хизмат қилмоғи лозим: давлат инсонгами ёки инсон давлатгами?”, деган фалсафий саволнинг жавоби ойдинлашади. Халққа хизмат қилиш давлат хизматига баҳо беришнинг ўлчов бирлигига айланади. Халқ юкини ўз елкасига олиш, одамларни ҳаётдан рози қилиш — раҳбарлар учун энг муҳим вазифа саналади.

Шундай қилиб, янги Ўзбекистонда “халқ хизматкори” тушунчаси “давлат хизматчиси” тушунчасининг синоними бўлади. Аслида ҳам халққа хизмат қилиш беғаразликни, фидойиликни, бошқалар учун яшашни, ўз ҳаётини бошқаларга бағишлашни тақозо этади. Кошифийнинг “Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати” асарида бунга қуйидагича таъриф берилади: “Жавонмардлик (альтруизм) кишидаги ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат ҳомийлик, хайрия ёки кўмакка асосланади. Ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини устун қўйиб яшаш жўмард инсоннинг ҳаёт тарзига айланади”.

Демак, давлат хизматчилари халққа ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, одамларга ғамхўрлик кўрсатишлари, шахс манфаатларини ҳимоялашлари, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзишлари, халқ овозини эшитишлари, инсонлар дардига малҳам бўлишлари талаб этилади. Бундай ёндашув натижасида ҳар учала тараф: **одамлар ҳам, давлат ҳам, давлат хизматчиси ҳам тенг манфаат кўради**.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарларга яна бир талаби танқидий таҳлил билан боғлиқ. Бунда давлатимиз раҳбари сохта ва баландпарвоз гаплар, таги пуч рақамлар, қуруқ ёлғонлар билан алданмаслик, хато ва камчиликларимизни танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилиб, тегишли сабоқлар чиқариш, эскирган бюрократик усуллардан воз кечиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш, халқ олдида ҳисобдор бўлиш зарурлигини уқтиради. Бундай ёндашув раҳбар кадрларга халқ ишончи ортишига, бошқарув фаолиятининг самарадорлик даражасига, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррар.

«Инсон — жамият — давлат» тамойили

Тоталитар давлатда бу кетма-кетлик тескари кўринишга эга. Давлат бирламчи бўлади. Давлат устуворлик касб этади. Натижада, инсон давлат манфаатларини қондиришга хизмат қилувчи бир воситага айланади. Унинг эҳтиёжлари ҳеч кимни қизиқтирмайди. Унинг манфаатлари охирги ўринларда қондирилади ёки умуман қондирилмайди.

Бугун бу парадигма бутунлай ўзгарди. Инсон энг юқори поғонага кўтарилди, давлат сиёсатининг марказидан ўрин олди, унинг манфаатлари олий қадриятга айланди.

Инсонга яқинлашиш мақсадида бошқарув ҳам марказдан ҳудудларга кўчирилди. Инсон билан давлат ўртасидаги “Хитой девори”ни йўқотиш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Қуруқ гап эмас, аниқ натижалар бўлиши учун маҳалла жамғармаси шакллантирилди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ривожлантириш бўйича алоҳида-алоҳида дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

Илмий тилда айтганда, “инсон — жамият — давлат” муносабатларида вертикал муносабатлардан горизонтал муносабатларга ўтилмоқда. Инсон, унинг ҳаёти, фаровонлиги мамлакатнинг энг катта бойлиги сифатида эътироф этилмоқда.

Демакки, давлат инсонга юзланмоқда, унинг манфаат-эҳтиёжларини қондиришни устувор вазифаси деб билмоқда, жиддий лойиҳаларни амалга оширишда унга кучли шерик сифатида мурожаат қилмоқда, муаммоларнинг ечимини топишда унинг экспертлик салоҳиятига таянмоқда.

Янги Ўзбекистонга — янги авлод кадрлари

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш кадрлар сиёсати билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, кадрлар сиёсатида ўзгариш қилмасдан туриб, бошқа соҳалардаги ислоҳотларда муваффақият қозониш мумкин эмас. Негаки, тараққиётнинг бугунги босқичида инсон омили белгиловчи роль ўйнайди. Ҳар қандай стратегик ҳужжатнинг рўёби ҳам, аввало, давлат фуқаролик хизматчиларининг ишга муносабати, меҳнати сифатига боғлиқ бўлади. Шундай экан, кадрлар сиёсатида қандай ўзгаришлар қилиш талаб этилади? Биринчи навбатда, давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш зарур. Бу вазифа давлат хизмати бўйича махсус ваколатли орган бўлмиш Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги зиммасига юкланади.

Бундан ташқари, давлат хизматининг ёпиқ табиатини йўқотиш, бюрократик аппаратга барҳам бериш мақсадида Стратегияда кадрларни танлов асосида ишга олиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Бу эса энг муносиб ва лаёқатли шахсларни давлат хизматига қабул қилишда ва уларнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилишида **меритократия тамойили**ни кучайтиришни шартлаб қўяди. Оқибатда, биз профессионал ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантирамиз, салоҳиятли ва садоқатли кадрлар учун давлат бошқарувига кенг йўл очилишига эришамиз. Айни кунларда Олий Мажлисда кенг муҳокама қилинаётган ва тобига келтирилаётган “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ва Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Давлат хизмати тизимини ислоҳ этишга Тараққиёт стратегиясининг муҳим бир қисми сифатида қаралиши бежиз эмас. Давлат фуқаролик хизматчилари эскича фикрлашдан холи, ўз соҳасининг устаси бўлиши, фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги билан ажралиб туриши ҳамда ўз халқига сидқидилдан хизмат қилиши лозим. Айнан шундай кадрлар янги авлод бошқарув кадрларининг ўзагини ташкил этади.

Тан олиш керак, давлат хизмати сифати билан аҳолининг турмуш сифати ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Шу боис ҳам давлат хизмати самарадорлигини ошириш борасида ислоҳотлар ижросига эришган мамлакатларда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таъминланади. Шундай экан, қатор саволлар кўндаланг бўлади: давлат хизмати натижадорлигини кескин кўтариш учун нима қилиш зарур? Мансабдор шахслар ишининг сифатини қандай аниқлаш мумкин? Бу саволларга жавоб топиш хийла мураккаб, лекин уларни очиқ қолдириб бўлмайди. Шу сабабли давлат хизматчилари фаолиятининг самарадорлиги ва фойдали иш коэффициентини ўлчаш масаласи долзарблик касб этади.

XX асрнинг 50-йилларида Питер Друкер “Мақсадлар бўйича бошқарув” ғоясини илгари сурди. У натижадорлигинг муҳим кўрсаткичлари орқали бошқарувдаги маҳсулдорликни баҳолашни таклиф этди. Шу тариқа давлат идоралари ходимларини бошқаришда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators — KPI)га таяниш кенг урф бўлди. Ҳозирги кунда KPI бошқарувнинг илғор воситаларидан бирига айланган ва дунёда фаол қўлланилмоқда.

Нозик мавзу ёхуд самарадорлик қандай ўлчанади?

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш борасида “Миллий рейтинг” тизимини жорий этиш назарда тутилган. Шу боис вазирлик ва идоралар учун, алоҳида мансабдор шахслар учун натижадорлик кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш муҳим вазифага айланди. Тан олиш керак, давлат идораларида бекорчи қолган, қўпол қилиб айтганда, “пашша қўриб” ўтирган раҳбарлар йўқ. Лекин реал иш куни 8 соатдан анча ортиқ бўлган раҳбар кадрларнинг фаолияти самарадорлиги, афсуски, 100 фоизга ҳам етмайди. Бу ҳолат муаммони ҳал қилишнинг амалий ечимларини илгари суришни талаб этади.

Эътибор берсак, тадбиркорнинг ютуқлари аниқ кўрсаткичлар билан ўлчанади. Булар — ишлаб чиқарилган маҳсулот сони ва сифати, корхонанинг даромадлари, имзоланган битим ва келишувлар. Мансабдор шахсларнинг ютуқлари учун ўлчов бирликларини топиш эса бир оз мушкулроқ. Айтайлик, раҳбар томонидан имзоланган ҳужжатлар, тайёрланган ҳисоботлар, жўнатилган хатлар, бажарилган топшириқлар миқдорига қараб самарадорликни ўлчаш мумкиндир. Лекин сон-саноғи йўқ ҳужжатлар тўпланган хатжилдлар доимо исталган натижага олиб келавермаслиги бор гап. Масалан, ўз вақтида ёзилган хат болалар боғчаси, мактаб ёки шифохонанинг ўз вақтида ишга туширилишини кафолатламайди.

Халқаро тажрибага назар ташласак, бу масалага катта эътибор қаратилганинг гувоҳи бўламиз. KPI алоҳида субъектлар (ташкилотлар, бўлинмалар, ходимлар) фаолияти самарадорлигини аниқ кўрсаткичлар орқали ўлчаш тизими бўлиб, ташкилотнинг стратегик мақсадлари билан бевосита боғлиқ бўлади. KPI тизимини жорий этишда кўрсаткичларни белгилаш жиддий эътибор талаб қилади. Чунки KPI миқдорий ўлчаниши талаб этилади. Муҳими, бу кўрсаткичлар олдиндан аниқланмоғи, тизимий равишда танланмоғи, объектив маълумотларга асосланмоғи ҳамда ташкилотнинг мақсадларига мослаштирилмоғи лозим.

Бироқ бу кўрсаткичларни танлаш ҳийла нозик масала ҳисобланади. Масалан, соғлиқни сақлаш тизими идораларининг фаолият самарадорлигини ўлчаш учун қайси кўрсаткичлар танланиши керак? Бу тизимнинг молиялаштирилиши касаллар сонига боғлиқ. Демак, соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган одамлар касаллар сонининг ортишидан манфаатдор бўлади. Лекин тизимнинг пировард мақсади шифохоналардаги ўринларни кўпайтириш эмас, одамларнинг камроқ хасталанишига эришиш-ку. Бунинг учун ташхис қўйиш, профилактик ишларни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, KPIни ишлаб чиқишда ўз фаолиятига йўналтириладиган маблағларни кўпайтириш эмас, балки жамият учун фойдали натижаларга эришиш муҳим саналади.

Демак, раҳбар ўз ишини икки томонлама ташкил этиши керак. Бир томондан, у муҳим давлат аҳамиятига молик вазифаларни ҳал қилиши, иккинчи томондан, асосий истеъмолчилари, мижозларининг манфаатлари ҳам завол топмаслиги жоиз.

Кўриниб турибдики, KPI тизими давлат идораларида ишлайдиганларга мутлақо бошқача талаблар қўяди, давлат хизматчисининг янги қиёфасини шакллантиради. Шу тариқа давлат хизматчиси истиқболни ўйлаб иш тутадиган, мураккаб вазифаларни тез ва самарали уддалайдиган, кам харажат эвазига катта натижаларга эришадиган, ташкилотнинг стратегик мақсадларига етишишига реал ҳисса қўша оладиган юқори малакали кадрга айланади.

Таълим қиймат яратади

Ҳар қандай мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги бошқарув кадрларининг касб малакасига бевосита боғлиқ бўлади. Шу боис ҳам раҳбар кадрларнинг узлуксиз таълимини йўлга қўйиш, айниқса, таълим сифати ва натижадорлигини кўтариш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу сабаблар туфайли Тараққиёт стратегиясида давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Давлат фуқаролик хизматида инсон ресурсларини ривожлантириш ҳамда кадрлар салоҳиятини кучайтириш қуйидаги йўналишларда иш олиб борилишини тақозо этади:

- давлат фуқаролик хизматчиларининг бошқарув профессионализми ва компетенцияларининг узлуксиз ошириб борилишини таъминлаш;
- ўзгарувчан шароитларда самарали қарорлар қабул қилишга қодир давлат фуқаролик хизматчиларининг янги авлодини тарбиялаш;
- Ўзбекистоннинг истиқболини белгиловчи “келажак лидерлари”ни шакллантириш;
- давлат фуқаролик хизматчиларининг мустақил ва муттасил таълим олишларини рағбатлантирувчи муҳитни шакллантириш.

Муҳими, давлат хизматчилари учун малака оширишни ҳуқуқ эмас, балки мажбурият даражасига кўтариш зарур. Давлат хизматчиларининг малакасини ошириш ва уларни ривожлантиришга улар ишлайдиган ташкилот ва идора раҳбарларини бевосита масъул ва жавобгар қилиб қўйиш керак. Ўқув жараёни шундай ташкил этилиши лозимки, давлат идоралари фаолияти самарадорлиги ортганини фуқаролар ҳис қилишлари лозим.

Мақоланинг сўзбошисида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси бугунги “кун тартиби”дан ўрин эгаллагани айтилган эди. Одатда, “кун тартиби”даги масалалар муайян вақт ўтгач, долзарблигини йўқотади ва рўйхатдан ўчирилади. Шундай экан, ҳақли савол туғилади: жамоатчилик муҳокамасидан сўнг расмий ҳужжат шаклида қабул қилингач, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси “кун тартиби”дан тушиб қоладими? Йўқ, албатта. **Тараққиёт стратегияси ахборий “кун тартиби”дан сиёсий “кун тартиби”га кўчади**, холос. Чунки бу стратегия яхши ниятлар тўпламидан иборат эмас, унда аниқ мақсадлар белгилаб берилган. Ва Тараққиёт стратегиясидан ўрин олган марраларга эришишдан ҳар биримиз манфаатдормиз. Чунки Президентимиз таъбири билан айтганда, “**эртага эмас, бугун яхши яшашимиз керак**”.

Отабек ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари.

ФАРҒОНАГА «КАМПИРРАВОТ» СУВ ОМБОРИДАН ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИ ТОРТИЛАДИ

Айни пайтда Фарғона вилояти аҳолисининг 67,1 фоизи ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган бўлса, 32,9 фоизи обиҳаётдан муқобил манбалар орқали фойдаланади. “Фарғона сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти томонидан аҳолига ичимлик суви 2 минг 719 та қудуқ ҳамда 6 минг 996 километр узунликдаги қувурлар ва тармоқлар орқали етказиб берилади.

Қулайлик

2021 йилги Инвестиция дастури доирасида вилоятда 77 миллиард сўм маблағ жалб этилиб, 133 км. ичимлик, 17,2 км. оқова сув тармоқларини тортиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, янги сув миноралари ўрнатиш, хлорлаш, сувни зарарсизлантириш бинолари, сув тўплаш иншоотларини қуриш, мукаммал таъмирлаш чора-тадбирлари бажарилди.

Модомики, ичимлик суви таъминотини яхшилаш хусусида сўз бораркан, “Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва унга яқин бўлган аҳоли яшаш пунктларида ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш” лойиҳаси доирасидаги саъй-ҳаракатларни эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

— Лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб, дастлаб қўшни Андижон вилояти чегарасидан 31 километр магистраль сув тармоқлари тортилади, — дейди “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ раҳбари Муроджон Йўлдошев. — Иккинчи босқичда Андижон вилояти ҳудудида 68 километр магистраль сув тармоқлари қуриш ва қуввати суткасига 100 минг куб метр бўлган “Кампирравот” сув тозалаш иншооти қурилиши ишлари якунига етказилади. Учинчи босқичда Фарғона вилоятида 28 километр тармоқ қурилиши ишлари олиб борилади.

Айни кунларда биринчи босқичда кўзда тутилган вазифалар жадаллик билан олиб борилмоқда. Кейинги босқичларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш бўйича мутахассислар жалб қилинган.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

КИЧИК НОВВОЙХОНА

керамик иситкичларда (тандир усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:
1) Нон (лепёшка) — 60 та.
2) Булочкалар 15х15 см. — 108 та.
3) Сомса 12х12 см. — 128 та.
4) Пицца 45х45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8.4 кВт.
Ёнғинга хавфсиз, кучланиш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номутаносиблиги).
12 ойлик кафолат.
5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.
Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди жамоаси суднинг катта эксперти Нилуфархон Саид-Газиевага отаси **Шерзод САИД-ГАЗИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 35 742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6